

УМУМКАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЛОЙИХАЛАШ МЕТОДИНИ АДАБТАЦИЯЛАШ

Д.Н.Маматов – катта ўқитувчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: лойиха, лойиҳалаш, лойиҳалаш методи, педагогик лойиҳалаштириш.**Ключевые слова:** проект, проектирование, методы проектирования, педагогическое проектирование.**Key words:** project, projecting designing, methods of projecting, pedagogical projecting.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1761-сонли қарорида таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш устувор йўналиш сифатида эътироф этилди.

Анъанавий таълимда талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларнинг эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, шулар юзасидан индивидуал хулосаларчиқаришга ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Жумладан, лойиҳалаш методи ўқув жараёнига кенг татбиқ этилмоқда.

“Лойиҳалаш” термини педагогикага техника соҳасидан кириб келган бўлиб, режа тузиш маъносини англатади [1:180]. Педагогик жараёни лойиҳалаштириш зарурияти таълим мазмунининг мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Таълимда лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишдан бошлаб оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини (интеллектуал ёки моддий маҳсулотни) тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус (лаборатория шароитларида) ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир [2:67-70].

Лойиҳалаш методи саноат ва турли муассасалар, реал жамият муаммолари ўртасидаги интерфаол жараёнга қаратилган. Бу жараёнда таълимни турмуш, табиат, ишлаб чиқариш билан боғлаш имконияти мавжуд. Лойиҳа методи реал ҳаёт муаммосини ҳал этиш мақсадида режали ўқув машқи сифатида қўлланилиши мумкин. У ўқитувчи раҳбарлиги остида мақсадга йўналтирилган фаол таълим олувчилар учун мўлжалланган. Шунингдек, лойиҳалаш методи талабаларнинг ҳаёт фаолияти ва дарс жараёнидаги алоқадорлик таъминланганидагина қўлланилиши мумкин. Бу қизиқиш ҳиссини яратади ва таълим олувчи учун зарурий мотивацияни таъминлайди [3:48-54]. Жамоада ишни режалаштириш ва бажариш билан боғлиқ бўлган иш лойиҳаси бевосита тажриба ўрнини боса олади.

Лойиҳалар қуйидагича берилиши мумкин. Бунда:

– қурилма ёки механизмни режалаштириш ва тайёрлашни ўз ичига оладиган лойиҳалар;

– ишлаб чиқиш жараёнидаги такомиллаштиришни кўзда тутиш учун мўлжалланган. Замонавий методлар ва уларни татбиқ қилиш орқали такомиллашган технологияни қабул қилиш – юқори натижага эришиш ва меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган;

– янгича ёндашув, услуб ёки асбоб-ускуналарни тадқиқ қилиш. Бундай лойиҳалар маҳаллий материаллар, қолаверса, баъзи маҳаллий муаммоларни ҳал этади;

– режа, дизайн ва ишчи чизмаси ва сметаларини тайёрлаш;

– материалларни ишлаб чиқариш жараёнидаги салбий ўзгаришларни олдини олиш;

– баъзи лойиҳалар бошланишидан якунланишигача бўлган барча жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда замонавий қурилма прототиپини ишлаб чиқаришга қаратилади.

Лойиҳа ҳар доим реал ҳаётнинг вазиятга қаратилган бўлиши, жамиятнинг баъзи эҳтиёжларини қондириши ва унинг қабул қилинишида талабалар иштирок этиши зарур.

Лойиҳа танланиши атрофдаги соҳалар ва уларга бўлган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ўқитувчи олдиндан тушунарли бўлган зарурий материалларга эга бўлиши ва талабаларни шу маълумотлар билан таъминлаши – талабалар лойиҳаларни эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлишини белгилайди. Бу ўқитувчига олдиндан сарфланадиган материалларга буюртма беришга имкон бермайди ва барча вазифалар бажарилишини кафолатламайди. Аксинча, таълим олишда талабаларни масъулиятга ундайди ва уларга ўз эҳтиёжлари ва ўқув мақсадларига эришишини кафолатлайдиган лойиҳаларни танлашга имкон беради. Талаба ўқитувчи раҳбарлигида лойиҳани режалаштириши ва бажарилишига жавоб беради. Тўғри танланган лойиҳа – билим ва кўникмаларга таянган ҳолда иш кўришга, айниқса, қўйилган мақсадга эришиш ҳамда натижани амалга татбиқ қила олишга имкон беради. Натижада, лойиҳа билимлар, интеллектуал қобилиятлар ва кўникмаларнинг татбиқ қилинишини ўз ичига олиши, тушунарли, зарурий материаллар нархи ва вақт нуқтаи назаридан тўғри тақсимланган, талабанинг билим даражаси, қобилиятига ва лаёқатига мос бўлиши, уларнинг имкон даражасидан юқори бўлмаслигини таъминлайди.

Лойиҳани танлаш босқичлари: 1) муаммонинг қўйилиши; 2) муаммони ечишга қаратилган мақсад ва вазифаларни белгиланиши; 3) муқобил қарорларнинг таклиф қилиниши; 4) энг яхши қарорнинг сараланиши; 5) сарф-ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда батафсил лойиҳалаштиришни бажариш; 6) таркибий

қисмларни тайёрлаш ва йиғиш; 7) дастлабки қабул қилинган вазифанинг ечимини топиш учун тест ўтказиш ва баҳолаш; 8) лойиҳа ҳисоботини тайёрлаш.

Лойиҳанинг режалаштирилишида талаба ўқув мақсадларига янада кенг жавоб берадиган лойиҳани танлаганидан кейин, лойиҳа режасини тайёрлайди. Бу режа куйидагиларни ўз ичига олади:

- лойиҳанинг тасвири ёки эскизи;
- фойдаланиш мумкин бўлган ахборот манбалари;
- лойиҳани бажариш учун зарурий бўлган ускуна, материал ва сарф-харажатлар, шу билан бирга харажатлар сметаси;
- лойиҳани бажариш технологик харитаси;
- лойиҳани баҳолаш мезонлари.

Ўқитувчи вазифаси.

Ўқитувчи ва талабалар муносабатлари синфдаги оддий ўқитиш жараёнидан фарқли равишда янада яқинроқ ва норасмий бўлиши, ўқитувчи талабаларнинг имкониятларига кўра лойиҳани эркин танлашга ёрдам беради. Ўқитувчидан бутун лойиҳа давомида раҳбар сифатида иш кўриши ва талабаларнинг лойиҳани бажаришга тўғри йўналтириши, мустақил фикрлашга ундаши талаб этилади.

Бу метод меҳнат ютуқларини кўллаб-қувватлайди. Талабаларнинг мустақиллик, масъулиятни сезиш ҳисси ва ижодкорлик

қобилиятини ривожлантиради ва амалий вазифаларни ҳал этишда қатъиятликни шакллантиради. Таълимга нисбатан масъулиятлик ҳиссини оширади. Талабалар муаммоларни модификацияланган ёки моделлаштирилган вазиятларда ҳал этиш ва амалга татбиқ қилиш кўникмасига эга бўлади. Маълумотни АРМ, интернет тармоғи, курсдошлари, ўқитувчилари ва ишлаб чиқаришдан олишга ундайди. Лойиҳалаш турли вазиятларда талабаларга тўғри йўл кўрсатади, керакли ижтимоий тажрибага эга бўлишга имкон беради. Ҳамкорликдаги фаолият ва гуруҳдаги ўзаро ҳаракат илгари сурилади. Бу вақт, пул ва материалларни қадрлашга ўргатади ва шахснинг ижтимоий ривожланишига ёрдам беради. Лойиҳа устида ишлаш жараёнида талабалар тўпланган тажриба ҳақида ҳулоса қилиш ва ҳисоботлар ёзишга ўрганади. Улар ўз навбатида билим, кўникма ва малакасини шакллантиради ва ҳаётдаги кейинги ижодий ва илмий ишларига рағбат ҳиссини уйғотади.

Лойиҳалаштириш методини таълимда қўллаш бўлажак ўқитувчиларнинг таълим жараёнини тўғри ташкил этишга, талабалар тафаккурини ривожлантиришга, дарс жараёнида эришиладиган натижаларни олдиндан била олишга хизмат қилади. Бунинг натижасида ўқитиш сифати ва самарадорлиги ошади, талабаларнинг касбий компетенлиги шаклланади.

Адабиётлар

1. Голиш Л.В., Файзуллаев Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Инновацион таълим технология серияси. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2011. 180-б.
2. Исянов Р.Г., Маматов Д. Малака ошириш курслари тингловчиларида педагогик лойиҳалаштириш технологиясидан фойдаланишни шакллантириш. Касбий таълим: муаммолар ва ечимлар. Республика илмий амалий семинарининг маъруза материаллари ва тезислари. –Тошкент: 2011, 67-70-б.
3. Маматов Д. Особенности педагогического проектирования и реализация электронной информационно-образовательной среды в процессе подготовки будущих учителей профессионального образования. // Технологии в образовании. – Воронеж: 2011, №4, 48-54-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ва унинг амалга ошириш босқичлари, профессионал ўқитиш жараёнида маслаҳатлардан фойдаланиш, лойиҳалаш методининг тавсифлари кўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается характеристике метода проектирования, даются рекомендации по его использованию в процессе профессионального образования, описываются этапы реализации и совместная деятельность учителя и ученика.

SUMMARY

The article deals with the characteristics of a method of designing, recommendations of its using in the process of professional education, the stages of its realization and mutual activity of both the teacher and student.